

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАНИЕВ МУҲАМАТЖОН ХАЛИЛОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ШАРОИТИДА
АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.01 – “Иқтисодиёт назарияси”

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Ғаниев Мухаматжон Халилович

Инновацион иқтисодиётнинг шаклланиш шароитида аҳоли фаровонлигини
ошириш ва камбағалликни қисқартириш йўналишлари
.....5

Ғаниев Мухаматжон Халилович

Направления повышения благосостояния населения и сокращения бедности
в условиях формирования инновационной экономики
.....42

Ganiev Mukhamatjon Khalilovich

The direction of the improvement of the welfare of the population and the
reduction of poverty and the conditions for the formation of an innovative
economy 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАНИЕВ МУҲАМАТЖОН ХАЛИЛОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ШАРОИТИДА
АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.01 – “Иқтисодиёт назарияси”

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt139 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Вахабов Абдурахим Васикович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умурзаков Баходир Хамидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хасанов Рустам Раббимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Муродова Нодира Кулиевна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSC.03/30.12.2019.I.01.11 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «17» март соат 14.⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, (71) 246-02-24, факс e-mail: (71) 246-90-80, rektor@nuu.uz)

Диссертация иши билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, (71) 246-02-24, факс e-mail: (71) 246-90-80, rektor@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «3» март куни тарқатилди.

(2022 йил «3» мартдаги 22 - рақамли реестр баённомаси).

А.М. Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Қ. Мамбетжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

А.В. Вахабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (ДИССЕРТАЦИЯ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида камбағаллик даражасини қисқартиришнинг замонавий йўллари ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд турларини диверсификациялаш тенденцияси рўй бермоқда. Аҳоли камбағаллиги даражасини қисқартиришда «...учта йўналиш, жумладан, биринчидан, қўшимча меҳнат ресурслари билан инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш, иккинчидан, инсон капиталига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли муҳим хизматлардан фойдалана олмайдиган инсонларга сармоя киритиш, учинчидан, камбағал ва заиф қатламларни иқлим, пандемия, озиқ-овқат нархларининг ўзгарувчанлиги ва иқтисодий инқироз оқибатлари каби қашшоқликка олиб келиши мумкин бўлган зарбалардан ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади»¹. Жаҳон банки 2030-йилга бориб қашшоқликни 3 фоиздан юқори даражага қисқартиришни мақсад қилган бўлсада, жаҳон хўжалигидаги иқтисодий таҳдидлар туфайли 2022 йилда 75-95 миллионгача қўшимча одам ўта қашшоқликда яшашига тўғри келиб, камбағаллик даражаси тўғрисидаги прогноз 9,4% ёки 736 млн кишига ўзгартирилди. Геоиқтисодий вазият мураккаблашган айни вақтда аҳолининг камбағал қатламини янги иш ўринлари билан таъминлаш ва уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда камбағаллик даражаси ортиши сабабларини аниқлаш ва олдини олиш, аҳолини узлуксиз озиқ-овқат билан таъминлаш, юқори инфляция даражаси, экология, тиббиёт, сифатли таълим ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масаласи дунёвий муаммо даражасида ўрганилмоқда. Жумладан, аҳолига «камбағаллик тузоғи»га тушиб қолмаслиги учун ижтимоий хизматлардан фойдаланишига шарт-шароитлар яратиш, камбағал аҳоли қатламининг иқтисодий имкониятларини рўёбга чиқариш ва уларга муносиб иш ўринлари яратиш йўналишларидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай бўлсада, аҳоли ўртасида камбағаллик даражасининг кескин ортишини олдини олиш ва уни қисқартириб бориш, айнан шу масала бўйича маҳаллий шароит ҳамда имкониятларни ҳисобга олган ҳолда стратегия ва унга мос равишда камбағал оилалар иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришда замонавий усул ҳамда ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда «...халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш...»² масалалари устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиб қўйилишига қарамасдан “COVID-19” пандемияси аҳолининг камбағал қатлами ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, камбағаллик даражаси 8,7-10 фоизга ўсган. Камбағаллик даражасига тушиб қолган янги шахслар сони 450 мингдан 880 минг

¹ Бедность-обзор. Стратегия. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/topic/poverty/overview#3>, 2022.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

нафаргача»³ кўтарилиши ортидан аҳоли фаровонлигини янада ошириш ва камбағалликни қисқартириш масаласи иқтисодий ислохотларнинг энг долзарб муаммоларидан бири сифатида белгиланди. Мамлакатда «...2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллион ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди»⁴.

Истиқболда камбағалликни қисқартиришга қаратилган режаларда камбағал аҳоли қатламларига, биринчи галда хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, шунингдек, юқоридаги барча чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда экологик муҳитни яхшилашга қаратилган вазифаларининг белгиланиши камбағалликни қисқартиришнинг самарали самарали усул ва янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сон «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги 504-сон «Худудларда «Маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон «Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга тегишли бўлган бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqi>, 2022, 21.12.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵.

«Камбағаллик» ва «қашшоқлик» тушунчасининг мазмуни, камбағаллик чегарасини аниқлаш ва аҳоли камбағаллиги даражасини қисқартириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, АҚШ да «Institute for Research on Poverty», Stanford University «Center for the Study of Poverty and Inequality», Columbia University «National Center for Children in Poverty», University of Kentucky «Center for Poverty Research», Harvard University илмий марказларида, Буюк Британиянинг University of Bristol «Townsend Centre for International Poverty Research», Ла Сапиенца Рим Университети (Италия), Cooperative for Assistance and Relief Everywhere (Швейцария), «The Organization for Poverty Alleviation and Development» OPAD (Швеция), China Perspectives (Хитой), Меҳнат тадқиқотлари илмий маркази (Россия Федерацияси), Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази, Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ва бошқа ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда.

Аҳолининг камбағал қатламини аниқлаш йўллари ишлаб чиқиш, аҳоли даромадлари тақсимланишдаги кескин табақалашувнинг олдини олиш ва камбағаллик даражасини қисқартиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: «камбағал иқтисодиёт», камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмлари таклиф қилинган (Harvard University, АҚШ); камбағаллик болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилган (Stanford University «Center for the Study of Poverty and Inequality» АҚШ); камбағаллик ва тенгсизликни Америка халқи фаровонлигига таъсирини камайтириш ва давлат сиёсати самарадорлигини ошириш тизими таклиф қилинган (University of Kentucky «Center for Poverty Research» АҚШ); камбағаллик чегарасини аниқлаш,

⁵Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида тайёрланган: Edited by James T. Spartz with additional support from Judith Siers-Poisson. “Institute for research on poverty” November 2022. USA. Madison, WI 53706-1320; Elisabeth Mason at emason. Stanford Poverty & Technology Lab. Technology-based solutions that increase opportunity and reduce poverty. 2020. USA. <https://inequality.stanford.edu/stanford-technology-poverty-lab>; Wimer, Christopher, Sophie Collyer, David Harris, and Jiwan Lee. 2022. “The 2021 Child Tax Credit expansion: child poverty reduction and the children formerly left behind.” Poverty and Social Policy Brief, vol. 6 no. 8. Center on Poverty and Social Policy, Columbia University; The International Glossary on Poverty. Edited by David Gordon and Paul Spicker, February 1999, 176pp; <https://www.bbc.com/news/world-asia-india-50048519>; Родионова И.В. Преодоление феномена бедности трудоспособного населения в системе приоритетов экономической политика государстве. – Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экон. наук. Владикавказ. 2011 г. – 28 с; Mariya Alessandra Antonelli ORCID va Valeriya De Bonis. Economic Poverty: Does the Break-Up of Families Matter? Sapienza University of Rome, 00185 Rome, Italy.2021. <https://www.mdpi.com/2076-0760/10/6/224>; Camille Boullenois. Poverty Alleviation in China: The Rise of State-Sponsored Corporate Paternalism. China Perspectives, 2020-3; «The Organization for Poverty Alleviation and Development» (OPAD), Norsborg Stockholm, Sweden;

очарчиликнинг олдини олиш ва камбағал оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш йўллари такомиллаштирилган Cooperative for Assistance and Relief Everywhere (Швейцария); камбағаллик ижтимоий оқибатларини оила мустаҳкамлигига таъсирини қисқартириш йўналишлари тавсия қилинган (Ла Сапиенца Рим Университети, Италия); камбағалликни қисқартиришда ишчи кучи ва иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш йўллари такомиллаштирилган (China Perspectives, Хитой); меҳнатга лаёқатли аҳолини камбағалликдан чиқаришда давлат иқтисодий сиёсати йўналишлари ишлаб чиқилган Меҳнат тадқиқотлари илмий маркази (Россия Федерацияси), очарчиликка қарши курашиш ва гендер тенгликка эришиш механизмлари такомиллаштирилган («The Organization for Poverty Alleviation and Development» OPAD) Швеция; камбағаллик даражасини аниқлаш, стандарт ва ностандарт механизмлар орқали камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг камбағал қатламини иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар маркази, Ўзбекистон); аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни келиб чиқиши сабаблари ва уни қисқартиришнинг назарий-услубий жиҳатлари таклиф этилган (Ўзбекистон Миллий Университети, Ўзбекистон).

Жаҳонда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ўзгарувчан камбағаллик шакллариининг таснифини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: камбағалликнинг иқтисодиёт таркиби (ижтимоий соҳалар имконияти) ва унинг ўзгарувчан ривожланиш табиатига бевосита боғлиқлигини асослаш; аҳоли турмуш сифатини кўтариш ва камбағаллик даражасини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш; камбағаллик шакллари ва таркибидаги (болалар, аёллар) ўзгаришларнинг тенденциялари ва унинг маҳаллий хусусиятларини аниқлаш; инновацион-ахборотлашган иқтисодиёт шароитида аҳоли камбағаллиги шаклларида кузатилаётган ўзгаришлар тавсифини бериш; камбағаллик беқарорлигининг сабаб (“тузоғи”) ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда олдини олиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва камбағалликка таъсир этувчи омиллар, камбағалликни қисқартириш муаммолари юзасидан узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар Дж.Кейнс, А.Маршалл, Д.Рикардо, А.Смит, А.Сен, М.Кремер, А.Банерджи, Э.Дюфло, Г.Э. Андерсон, Д.Сакс, Б. С. Раунтри, А.С.

Дитон, Д. Аджемоглу ва Д.Робинсонлар⁶ илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

МДХ мамлакатларида камбағаллик сабаблари, оқибатлари, ривожланиш босқичлари ва статистик таҳлили А.П. Александров, А.В. Карев, Е.Е. Румянцева⁷, камбағалликни қисқартиришда давлат сиёсати, назарий-методологик асослари, меҳнат бозорида талаб ва таклиф, соғлиқни сақлаш тизими ва таълим жараёнларига боғлиқ жиҳатлари А.А. Разумов, Л.Н. Овчарова, О.С. Абрамова, Л.М. Хуснутдинова, Ю.Г.Одегов⁸ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Қ.Х. Абдурахмонов, А.В. Вахабов, Б.Х. Умрзаков, Х.П. Абулқосимов, Т.М. Ахмедов, М.К. Абдуллаева⁹ ижтимоий соҳа иқтисодиёти, камбағаллик даражасини қисқартиришнинг аҳоли бандлигига боғлиқлиги ва меҳнат бозорининг назарий ва концептаул асосларини тадқиқ қилишган. Ижтимоий соҳани молиялаштириш, аҳоли турмуш даражаси, камбағалликнинг келиб чиқиши сабаблари, камбағаллик

⁶Keynes, J. M. The General Theory of Employment, Interest and Money. - N.Y.: BN Publishing, 2008. -296p.; Маршал А. Основы экономической науки. / Пер. с англ. – М.: Эксмо, 2007 г. -832 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. / Пер. с англ. – М.: Эксмо, 2016 г. -1040 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / Пер. с англ. – М.: Эксмо, 2016 г. -1056 с.; Сен А. К.Свобода, единогласие и права. Том 4. Экономика благосостояния и общественный выбор. Под общ. ред. Заостровцева А. П. – СПб: Экономическая школа. 2004. (англ. Liberty, unanimity and rights, 1976); Сен А. Идея справедливости – М: Изд-во Института Гайдара; Фонд «Либеральная Миссия», 2016. – 520 с.; <https://nplus1.ru/material/2019/10/14/nobeleconomic>; Эспинг-Андерсен, Гёст (1990). Три мира благосостояния капитализма. – Принстон, Нью - Джерси: Princeton University Press. ISBN 9780069028573; Сакс. Д. Конец бедности: экономические возможности нашего времени. — М.: издательство Института Гайдара, 2011. — 424 с. (англ. The End of Poverty: Economic Possibilities for Our Time, 2005); Раунтри Б.С. Бедность: Исследование городской жизни. Нью-Йорк, 1901 г, с-437, Дитон. А. Великий побег: Здоровье, богатство и истоки неравенства. – М.: Изд-во Института Гайдара; Фонд «Либеральная Миссия», 2016. – 368 с; Аджемоглу Д. Почему одни страны богатые, а другие бедные. происхождение власти, процветания и нищеты: АСТ. М.: 2015. – 1083 с;

⁷Александров А. Актуальность решения проблем бедности. – Москва: Лаборатория книги, 2010. – 125 с.; Карев А. Бедность населения как объект статистического изучения. – Москва: Лаборатория книги, 2010. – 125 с.; Румянцева Е. Стратегия преодоления бедность. – Москва - Берлин: 2015. – 444 с.; Абрамова О. Формирование региональной политики преодоления бедности населения в современных условиях. Автореферат дис.кан.экономических наук. – Самара, 2015. – 20 с.;

⁸Разумов А. Бедность в системе отношений на рынке труда: методология анализа, современная ситуация, стратегия преодоления. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экон. наук. Москва-с.; Овчарова Л.Н. Бедность: взгляд ученых на проблему. – М.; 1994 г – 298 с.; Хуснутдинова Л. М. Бедность в современной экономической системе. – Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экон. наук. Казань. 2012 г. – 23 с.; Одегов Ю.Г., Карташов С., Лукашевич В. Управление человеческими ресурсами. Учебник. / Под ред. Одегов Ю.Г, Лукашевич В. – М.: Кнорус, 2020 г. – 222 с.; Одегов Ю.Г, Руденко Г.Г. Экономика труда. Учебник для бакалавров. – М.: Юрайт-Издат, 2013 г. – 423 с.;

⁹Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. -Т.: “Fan” нашриёти, 2019 -595 б.; Абдурахмонов Қ.Х. таҳрири остида. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик.-Т.: “Iqtisodiyot”. 2013.- 418 б.; Вахабов А.В. Ижтимоий иш ва ижтимоий таъминотга кириш. Дарслик. - Т.: “Инновация-Зиё” нашриёти, 2020-152 б.; Вахабов А.В. ва бошқалар. Ижтимоий сиёсат. Ўқув қўлланма. - Т.: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2019. - 312 б.; Вахабов А.В., Бахтиёров Б.Б. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш механизмини такомиллаштириш. Монография. –Т.: “Университет” нашриёти, 2020. – 154 б.; Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий усуллари. Монография. –Т.: “Lesson Press”, 2017 й. -184 б.; Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. (Монография) – Т.: ТМИ нашриёти, 2005.-225 б.; Ахмедов Т.М. Социологические обследование уровня и качество жизни населения с использованием информационной технологий. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2017, 132с.; Абдуллаева М.К. Ижтимоий ҳимоя ва уни тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари. // Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008. - 25 б.;

даражасини аниқлаш механизми, методологияси ва камбағалликни қисқартиришнинг айрим масалалари Б.Ш.Хусанов, Р.Р.Хасанов, Б.К.Ғойибназаров, Д.М. Каримова, Х.Х. Абдурахмонов, Н.У. Арабов, М.М. Холмухамедов, Н.М. Мажидов, Р.Ф. Джуманова¹⁰, камбағал ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий ҳимоя йўналишлари ва уларнинг қамров даражасини ошириш М.А. Хакимова, Б.Б.Бахтиёров, М.О.Мирзамахмудова¹¹ ва бошқа иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларида ўрганилган. Бироқ, республикада «ижтимоий ҳимоя ягона реестри»ни тўлиқ жорий этиш ва камбағаллик даражасини аниқлаш амалиёти, камбағалликни қисқартириш механизм ва усуллари, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини изчил ошириш жараёнининг камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ жиҳатлари етарлича ўрганилмаган.

Аҳоли камбағаллигини қисқартириш муаммоларига ташқи таҳдидлар таъсири ортиб бораётган шароитда унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, иқтисодий ўсишнинг даврийлиги ва юқори инфляция кўрсаткичлари ҳамда унинг салбий оқибатлари билан боғлиқ жараёнлар мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланилишига асос бўлди

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИЗ-2020092433-рақамли «Ўзбекистонда аҳоли учун турмуш сифатини янада ошириш орқали ёшларда тадбиркорлик кўникмалари ва муносабатларни ривожлантиришнинг методологик асослари» (2021-2022 й.й.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

¹⁰ Хусанов Б.Ш. Проблемы регулирования финансового механизма социального обеспечения населения // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук: - Т.: 2011. - 25 с.; Хасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши // Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2005. - 40 б.; Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. Монография. –Тошкент: “Фан” нашриёти, 2005 – 69 б.; Джуманова Р. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари: Иқтисодиёт фанлари номзоди диссертацияси автореферати –Тошкент, 2008. – б.; Абдурахмонов Х.Х, Арабов Н.У. Холмухамедов М.М. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати. Монография. – Т: “Тафаккур бўстони”. 2014. – Б. 127-139; Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ислоҳ қилиш (пенсия тизими мисолида) // Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2003. - 23 б.;

¹¹ Хакимова М.А. Реформирование и развития социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук: - Т.: 2000, - 38 с.; Бахтиёров Б.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўналишлари // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати 2020. - 55 б.; Мирзамахмудова М.О. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати 2022. - 56 б.

Тадқиқотнинг вазифалари:

камбағаллик категорияси тўғрисидаги илмий-назарий ёндашувларни тизимли тадқиқ этиш асосида унинг ривожланиш қонуниятларини очиб бериш;

иқтисодий муносабатлар тизимида камбағаллик, қашшоқлик, “камбағаллик тузоғи”га тушиш, камбағаллик сабаблари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини таҳлил этиш;

аҳоли фаровонлиги барқарорлиги ва сифат даражасини белгиловчи омиллар ва кўрсаткичлар тизими хусусиятларини ёритиб бериш;

камбағалликни қисқартиришда хорижий бой илғор тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида улардан ижодий фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

камбағаллик даражасини қисқартириш механизмларини меҳнат бозори билан боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш асосида аҳоли даромадлари табақалашувини баҳолаш орқали «оғир» маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш йўналишларини назарий-услубий жиҳатдан асослаш;

аҳоли даромадлари табақаланишини камайтириш ва даромадларни тадбиркорлик фаолияти орқали оширишда экзоген ва эндоген омилларни аниқлаш ҳамда камбағалликни аниқлашнинг ҳуқуқий-институционал асослари ва камбағаллик даражасини аниқлаш амалиётини илмий тадқиқ этиш;

меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат билан аҳоли камбағаллиги ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш ҳамда демографик жараёнлар таъсирини илмий жиҳатдан асослаш;

аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш ва «оғир» маҳаллаларда камбағалликни қисқартиришда аҳоли муҳтож қатламларини ижтимоий реестрини самарали жорий этишни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

хар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – «Маҳаллабай», «Хонадонбай» тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатда камбағал аҳоли улушининг кўп омилли параметрларидан фойдаланган ҳолда 2030 йилга қадар камбағаллик даражасини қисқариши бўйича узоқ муддатли муқобил сценарийлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг камбағал қатлами олинган.

Тадқиқотнинг предметини аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт – мантикий фикрлаш, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, таққослаш, статистик таҳлил, омилли таҳлил ва социологик сўров усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“камбағаллик”, “камбағаллик тузоғи” иқтисодий категориясининг моҳиятини очиб беришда аҳоли даромадлари билан мамлакатдаги таълим сифати, ишлаб чиқариш инфратузилмалари, экологик ва сиёсий беқарорлик ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарурлиги асосланган;

камбағаллик даражасини қисқартириш механизми ишчи кучини такрор ҳосил қилиш нуқтаи-назаридан ёндашиш асосида ишлашни ҳоҳлаган ишсизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асосий капитални харид қилишда давлат томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача субсидия бериш тизимини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

мамлакатда кам таъминланган хотин-қизлар фаоллигини оширишга ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва гендер тенглиги ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ёндашиш асосида “Аёллар дафтари”га киритилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаганларга ижара ва асбоб-ускуна учун харажатларнинг 50 фоизини давлат томонидан қоплаб бериш орқали эришиш таклифи ишлаб чиқилган;

аҳоли фаровонлигини оширишга эришишда ҳар бир ҳудуддаги “етакчи” тадбиркорлик субъектларига “оғир” маҳаллаларда касаначиликни ривожлантириш ва маҳаллаларни ихтисослаштириш учун уч йилдан беш йилгача, Марказий банк асосий ставкасининг 75 фоизидан ошмаган ва базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 5000 бараваригача миқдорда кредит ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги кредитлар кооперацияси ёндашувига кўра назарий жиҳатдан асосланган;

мамлакатда аҳолининг фаровонлик даражаси билан кам таъминланганлар сони, жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ва ялпи даромад ҳажми ҳамда битирувчиларнинг олий таълимга қамрови даражаси ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда 2030 йилгача бўлган даврда камбағалликни қисқартиришнинг кўп омилли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг ўзаро боғлиқликда бўлган камбағал қатлами таркиби ва унинг намоён бўлиш шакллари ҳамда аҳоли камбағаллиги даражаси қисқаришига хизмат қиладиган, айниқса, демографик босим сақланиб қолаётган меҳнат бозоридаги кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларда янги иш ўрни яратиш орқали “Ҳар бир оила тадбиркор” дастурини такомиллаштиришга оид услубият яратилган;

аҳоли даромадлари табақалашувини баҳолаш орқали «оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича маблағлар ажратиш, камбағалликни қисқартиришда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ўз-ўзини бандлигини таъминлаш, томорқа имкониятларидан самарали фойдаланиш, оғзаки меҳнат муносабатларини камайтириш таклиф қилинган;

талаб чекланган меҳнат бозорида аёллар ўртасида касаначилик ва хунармандчилиكنи ривожлантириш орқали ўз-ўзини бандлигини рағбатлантириш механизми такомиллаштирилган;

меҳнат бозорида ишсиз ёшларнинг «Бизнес-давлат-стартап» лойиҳалари ҳамда уларга қишлоқ жойларида такрорий экин майдонларидан ер ажратиш зарурлиги асослаб берилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллارнинг социологик сўровлар, эконометрик моделлаштириш усуллари билан илмий асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аҳоли турмуш сифатини ошириш ва камбағаллик даражасини қисқартиришнинг замонавий усул ҳамда механизмлари манбаларини аниқлаш амалиёти асосида аҳолини камбағал қатламининг даромад олиш имкониятларини оширишга қаратилган илмий-услубий йўналишдаги таклиф ҳамда тавсияларда ўз аксини топади. Тадқиқотнинг илмий натижалари ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш орқали кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш ва маҳаллаларни товар ва хизматлар кўрсатишга ихтисослаштириш орқали камбағалликни қисқартириш сиёсатини такомиллаштиришнинг концептуал асослари, «оғир» маҳаллалардаги мавжуд «оғир ўсиш нуқталари»ни аниқлаш кўрсаткичлари ва усуллари ҳамда эконометрик моделларини такомиллаштиришда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар камбағалликни қисқартиришнинг ҳудудий дастурларини, аҳоли турмуш сифати ва унинг даромадларини янада ошириш билан боғлиқ мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан ўқув қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Ижтимоий сиёсат», «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» каби фанлар ишчи ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда жараёнларида илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

“камбағаллик”, “камбағаллик тузоғи” иқтисодий категориялари моҳиятини очиб беришда аҳоли даромадлари билан мамлакатдаги таълим сифати, ишлаб чиқариш инфратузилмалари, экологик ва сиёсий беқарорлик ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

томонидан «Меҳнатни таҳлил қилиш ва меҳнат бозори мониторингни ташкил қилиш дастури»нинг 4-бандига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 5 майдаги №01/00-03/09-4243-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши мамлакатда “кам таъминланганлик”, “камбағаллик”, “қашшоқлик”, “камбағаллик тузоғи” категорияларининг илмий-услубий жиҳатларини тўлиқ очиб бериш ва шу асосда соҳада тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни самарали юритиш, ишсиз ёшлар ва аёлларни фаол дастурлар асосида манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш орқали оила даромадларини оширишга имкон беради;

камбағаллик даражасини қисқартириш механизмини ишлашни ҳоҳлаган ишсизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган асосий капитални харид қилишда давлат томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача субсидия бериш орқали такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-31-сон “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 3-илоvasи 8-бандининг “Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат курулларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар ажратиш” қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 5 майдаги №01/00-03/09-4243-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши республикада ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга ва уларнинг камбағалликка тушиб қолишининг олдини олишга хизмат қилган;

аҳоли фаровонлигини оширишга эришишда ҳар бир ҳудуддаги “етакчи” тадбиркорлик субъектларига “оғир” маҳаллаларда касаначиликни ривожлантириш ва маҳаллаларни ихтисослаштириш учун кредитлар кооперацияси ёндашувига кўра, уч йилдан беш йилгача, Марказий банк асосий ставкасининг 75 фоизидан ошмаган ва базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 5000 бараваригача миқдорда кредит ажратиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги 504-сон “Ҳудудларда «маҳаллабай» ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандига “Тижорат банклари томонидан кредитлар кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун «оғир» маҳаллаларга бириктирилган «етакчи» тадбиркорлик субъектларига 3 йил муддатгача йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади” деб киритилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлигининг 2022 йил 5 майдаги №01/00-03/09-4243-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши ривожланишда орқада қолаётган ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромад манбаини яратиш ва фаровонлигини оширишга эришилади;

мамлакатда кам таъминланган хотин-қизлар фаоллигини оширишга “Аёллар дафтари”га киритилиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаганларга ижара ва асбоб-ускуна учун харажатларнинг 50 фоизини давлат томонидан қоплаб бериш орқали эришиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 октябрдаги ПФ-596-сон “Касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг а) бандининг “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиб бериш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача миқдорида субсидия ажратиш белгиланган” қисмига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 5 майдаги №01/00-03/09-4243-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш камбағаллик ҳолатига тушган аёллар ва ёшларни камбағалликдан чиқариш ва барқарор даромад манбаига эга бўлишига асос яратди;

мамлакатда аҳолининг фаровонлик даражаси билан аҳоли ва улар таркибида кам таъминланган сони, жон бошига ялпи ички (худудий) маҳсулот ва ялпи даромад ҳажми ҳамда битирувчиларнинг олий таълимга қамрови даражаси ўртасидаги корреляцион-регрессион боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда 2030 йилгача бўлган давр учун ишлаб чиқилган камбағалликни қисқартиришнинг кўп омилли прогноз параметрларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонининг 2-илоvasи 1-бандининг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 10 сентябрдаги № 06/30-1/10-725-сонли маълумотномаси). Ушбу мақсадли прогноз параметрлари мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартиришда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 10 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий ишлар, шу жумладан, 4 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий журналларда 16 та илмий мақолалар, жумладан, 11 таси республикада ва 5 таси хориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 282 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Миллий иқтисодиётда аҳоли камбағаллигини тадқиқ этишнинг назарий асослари»** деб номланиб, унда камбағаллик категорияси ва унинг келиб чиқиш сабабларини тавсифлашга бағишланган назарий концепциялар, иқтисодий муносабатлар тизимида камбағалликни ўрни, мамлакатда аҳоли фаровонлигини оширишнинг концептуал асосларини ривожланиши, камбағалликни қисқартиришнинг хориж тажрибаси қиёсий таҳлил этилган.

Тадқиқот жараёнида хорижий, маҳаллий иқтисодчи олимлар, халқаро иқтисодий ташкилотларнинг «камбағаллик» ва «қашшоқлик» тушунчаларига берган таърифлари, камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари, камбағаллик даражасини аниқлашнинг турли ёндашувлари қиёсий таҳлил этилган, умумлаштирилган ва мамлакатимиз амалиётида ижодий қўллаш имкониятлари асосланган.

Классик иқтисодий мактаб асосчилари бўлган А. Смит, Д. Рикардо, Т.Мальтуслар камбағалликни анъанавий иқтисодиётни саноатлашган иқтисодиётга айлантиришнинг муқаррар натижаси деб таъкидлашган. XIX асрнинг ўрталарида кенг тарқалган дарвинизм мафкураси камбағалликни табиий ҳодиса сифатида маълум бир шахсда ирқнинг, ҳаётнинг давом этиши учун ўзини ҳимоя қилиш қобилятига эга эмаслигини англатади деб ҳисоблайди. Француз иқтисодчиси, П.Ж. Прудон фикрича сиёсий иқтисоднинг муҳим қонуни қашшоқлик қонунидир. Саноатдаги ҳар қандай тараққиёт ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллашуви ёрдам бермайди. «Қашшоқлик - бизнинг табиатимиз қонунидир. Бу бизни истеъмол қилишимиз керак бўлган нарсаларни ишлаб чиқаришга мажбур қилади, аммо меҳнат учун энг зарур нарсдан бошқа нарса бермайди»¹² деб таъкидлайди.

¹²Прудон П. Бедность как экономических принцип. (глава 2, с-4) Электронная библиотека. https://royallib.com/book/prudon_per/bednost_kak_ekonomicheskij_printsip.html


Неолиберализм мафкурачиси Альфред Фон Хайек камбағалликни «инсоният тараққиётидаги табиий ҳодиса ва у жамият манфаати учун зарур»¹³ деб ҳисоблайди. Иқтисодчи олимлар С. Фишер, Р Дорнбуш ва Р Шмалензилар фикрича, «камбағаллар – бу даромадлари жамиятнинг ҳозирги истеъмол стандартлари доирасида эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмаган жисмоний шахслар ва уй хўжаликларидир. Баъзи оилалар жисмонан тирик қолишга имконияти мавжуд бўлсада, ахлоқий-маданий жиҳатдан чекланади. Бунинг боиси уларнинг даромадлари белгиланган даражадан анча паст бўлади»¹⁴, деб таъкидлайдилар. Илмий ишда классик ва ҳозирги замон иқтисодчи олимларнинг камбағалликка оид қарашлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва Жаҳон банки томонидан камбағаллик категориясига ёндашувлари ўрганилган.

Тадқиқот ишида аҳолининг «камбағаллик тузоғи»га тушиб қолишига олиб боровчи омиллар таснифланган. «Камбағаллик тузоғи» - аҳолининг ҳоҳиш-истакларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ички ва ташқи омиллар таъсирида камбағалликка кутилмаганда дучор бўлишни билдиради (1-расм). Камбағаллик жамиятда аҳоли даромадларининг кескин табақаланишига ва ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашувига олиб келади. «Камбағаллик» ва «камбағаллик тузоғи» категориясига нафақат аҳоли даромадлари, шунингдек, мамлакатдаги таълим сифати, тиббиёт, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, экологик вазият ва сиёсий барқарорлик каби омилларнинг таъсири ортмоқда. Бу омиллар биргаликда амал қилиши ва ривожланиш даражаси давлат томонидан доимо қўллаб-қувватланиши зарур. Агар уларнинг бирортаси сустлашса ёки эътибор камайтирилса, аҳоли фаровонлигига салбий таъсир этади ва мамлакатда камбағаллик даражаси орта бошлайди.

Тадқиқотчи фикрига кўра, мамлакатда олий таълим сифати ва қамрови, тиббий хизматлар таркибининг кенгайиши, аҳоли турли қатламлари ўртасидаги муносабатларда эришилган ижтимоий тотувлик, жамиятнинг барча табақаларини тадбиркорликка нисбатан маъқулловчи ижобий муносабати етарли даражада шаклланганлиги, бизнесни ривожлантириш орқали «камбағаллик тузоғи»дан чиқишга эришишни кафолатловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

13 Хуснутдинова Л. Бедность в современной экономической системе. – Автореферат дисс. на соис. учён степ. кан. Экон наук. Казань. 2012.

14 Фишер С, Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – Москва, Дело-ЛТД, 1995. 864 с. [Fisher S., Dornbush R., Shmalenzi R. Economics. Moscow, Delo-LTD, 1995. 864 p. (In Russ.)]



1-расм. Аҳолининг «камбағаллик тузоғи»га тушиб қолиш омиллари¹⁵

Камбағалликнинг келиб чиқиши сабаблари тадқиқот жараёнида қуйидагича гуруҳлаштирилган (2-расм). Миллий иқтисодиётда иқтисодий ўзгаришларни баҳолаш, унинг пировард натижаси ҳисобланган аҳоли фаровонлигини қай даражада яхшиланаётганлиги камбағаллар сонини қисқариб бораётганлигидан келиб чиқади. Тадқиқотчининг фикрича, аксарият иқтисодий таълимот ва ғоялардаги умумийлик шундан иборатки, унда аҳоли фаровонлигини концептуал ривожлантириш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Фаровонлик категорияси ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан ривожланиш ва иқтисодий ўсиш маҳсулидир.

¹⁵ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.



2-расм. Камбағаллик сабабларини гуруҳланиши¹⁶

Иқтисодчи олим А.Пигу инсон фаровонлигини даромадлар билан боғлаган. Унинг фикрича аҳоли фаровонлиги пул шаклида бўлиши керак, яъни миллий даромадни тақсимлашда даромаднинг маълум қисмини бойлардан камбағалларга қайта тақсимлаш умумий фаровонликни оширади, бироқ ушбу жараён маржинал нафтиликнинг камайиши қонунига бўйсингани учун маълум даражагача фаровонликни ошириш имконини беришини¹⁷ таъкидлаб ўтади. ХХІ аср бўсағасида амалиётда «умумжамият фаровонлиги давлати» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, аҳоли турмуш фаровонлигини белгиловчи озиқ-овқат, уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш каби турли ижтимоий хизматлар давлат сектори идоралари томонидан амалга оширилади¹⁸.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассислари томонидан фаровонлик тушунчасига қуйидаги таъриф берилган. «Фаровонлик —

¹⁶ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁷ А.С. Pigou. The Economics of Welfare, 1920

¹⁸ Вахабов А.В. ва бошқалар. Ижтимоий сиёсат. Ўқув қўлланма. - Т.: “Мумтоз сўз” нашриёти, 2019. - 170 б.

саломатлик, жумладан демографик шароитлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, истеъмол ва жамғариш фондлари; меҳнат, бандлик ва меҳнатни ташкил қилиш шароитлари; таълим, жумладан саводхонлик даражаси; уй-жой; ижтимоий таъминот; инсон эркинликлари»дан иборат тизимдир. Аҳоли фаровонлигини ошириш, биринчидан, ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли эҳтиёжларини максимал даражада қондириш; иккинчидан, жамиятда ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш имконини беради.

Ўзбек тилининг изохли луғатида фаровонлик атамасига «Тўкин-сочинлик, мўл-қўлчилик, серфайз ҳолат»¹⁹ яъни аҳоли эҳтиёжлари тўла-тўқис таъминланган жамият назарда тутилади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида камбағалларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан нархларни эркинлашуви ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини оширишга катта эътибор берилди. Иқтисодий вазият мураккаблиги боис зарур истеъмол маҳсулотлари турлари аҳолига меъёрлаштирилган тарзда давлат томонидан белгиланган норма асосида ҳар бир оила жон бошига қараб ягона карточка (оилавий ҳисоб варақалари) орқали сотилди²⁰.

Мустақилликни дастлабки йилларида аҳоли фаровонлигини таъминлашда бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва томорқа хўжалигини ривожлантириш орқали даромадларни оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда 1996 йилга келиб амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакат таназулдан чиқди ва миллий иқтисодиётда макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. 1996-2003 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштирилиши мавжуд иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланишга имконият яратди.

Мамлакатда 2017 йил бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Беш йилга мўлжалланган бешта устувор йўналишнинг ҳар бирида аҳоли фаровонлигини таъминлашга оид аниқ чоратadbирлар ўз аксини топди. Жумладан, аҳолини марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим кўрсаткичдир. Аҳоли саломатлиги ушбу соҳа билан бевосита боғлиқ. Республика бўйича эса ичимлик сув таъминоти 2010 йилда 82,5 фоиз бўлса, 2020 йилда 67,4 фоиз, 2022 йил бошига келиб 69,7 фоизни ташкил қилди. Қолган 30,3 фоиз аҳоли муқобил сув манбалардан, 9 фоизи – махсус сув ташувчи транспорт воситалари орқали сув билан таъминланади. Мамлакатда 4 мингта маҳаллада ичимлик сув суткасига 4-6 соат берилади. 1,5 мингдан ортиқ маҳаллада марказлашган таъминот йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари 2 мингта яқин боғча, мактаб ва тиббиёт муассасалари марказий тармоққа уланмаганлиги боис, сувни ташиб келишга мажбур бўлмоқда²¹.

¹⁹https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20F.pdf

²⁰ Наманган вилоят давлат архиви. 688-фонд. 1-рўйхат. 859-йиғма жилд, 16-варақ.

²¹<https://daryo.uz/k/2022/02/08/shavkat-mirziyoyev-ozbekistonda-kelgusi-5-yilda-ichimlik-suvi-taminoti-90-foizga-yetkazilishini-malum-qildi/>

Тадқиқотчи фикрига кўра, дунёнинг турли мамлакатларида қўлланилаётган камбағалликни қисқартириш моделлари қуйидагилардан иборат:

1. Континентал модель. Германия, Бельгия, Нидерландия, Австралия, Швейцария, Франция давлатларига хос бўлиб, ижтимоий ҳимоя даражаси билан меҳнат фаолиятининг давомийлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни назарда тутди. Ушбу модель кучли мажбурий ижтимоий суғурта, суғуртанинг турли шакллари: тиббий суғурта, пенсия суғуртаси ва ишсизликни суғурталовчига йўналтириладиган хизматларга асосланади. Камбағалликка қарши кураш тизими барча иш берувчилар учун мажбурий бўлган ва ишловчининг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун зарур даражада энг кам иш ҳақининг белгиланишига асосланган.

2. Ижтимоий ҳимоянинг либерал модели. Буюк Британия, Ирландия, АҚШ ва Японияда амал қилади. Либерал модель доирасида мамлакатга хос бўлган айрим хусусиятлар ёритилади. Масалан, АҚШ ва Японияда ижтимоий ёрдам дастурлари тарқоқ бўлиб, камбағалларнинг айрим тоифаларига манзилли йўналтирилган. Нафақалар камбағаллашиш жараёнини жиловлаган ҳолда, уни бартараф этмайдиган даражада белгиланади. Бундай сиёсат камбағаллик ҳолати индивиднинг шахсий танлови натижаси ҳисобланади, деган ғояга асосланади.

3. Ижтимоий ҳимоянинг Жанубий Европа модели. Италия, Испания, Греция, Португалияда амал қилиб, ижтимоий таъминотнинг нисбатан паст даражаси билан тавсифланади, ижтимоий ҳимоя эса оила ва қариндошларнинг ҳимояси бир-бирини қўллаб қувватлашга асосланган.

4. Социал-демократик (Скандинавия) модели. Дания, Швеция, Финляндия, Норвегия, Исландия мамлакатларида шаклланган бўлиб, турли ижтимоий хавф-хатарлар ва жамият томонидан қўллаб-қувватланишни талаб қилувчи ҳаётий вазиятларнинг кенг қамровига эга. Ижтимоий хизматлар билан мамлакатнинг аҳоли қатламлари кафолатланади, иш билан бандлик ва суғурта бадалларини тўланиши билан боғлиқ эмас. Ижтимоий ҳимоя ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланган бўлиб, ушбу мамлакатлардаги камбағалликнинг паст даражада бўлишини таъминлайди²².

Диссертациянинг «**Аҳоли фаровонлигини ошириш амалиёти ва ривожланиш тенденциялари**» деб номланган иккинчи бобида аҳоли даромадларининг манбалари ва ўсиш омиллари, аҳоли даромадлари табақаланишини камбағалликни ҳудудий намоён бўлишига таъсири баҳоланган. Аҳоли турмуш сифатини яхшилаш йўналишлари ва COVID-19 пандемиясининг аҳоли фаровонлигига таъсири таҳлил қилинган.

Аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақи муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатда ўртача иш ҳақи миқдори аҳоли истеъмол харажатларини қоплаш ва жамғаришга имкон бермайди. Бу эса аҳолининг қўшимча тадбиркорлик

²²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75- сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: “Маънавият”, 2021. – 251 б.

фаолияти билан шуғулланишини талаб қилади. Таҳлиллар кўрсатишича иш ҳақидан даромад солиғи тўлаётганларнинг 62 фоизи 2 млн сўмгача ойлик олади. 2021 йилнинг май ойида 4,6 млн ўзбекистонлик иш ҳақидан даромад солиғи тўлаган. Уларнинг 38 фоизи 1 млн сўмгача (100 доллардан кам) ойлик олади, 24 фоизининг маоши эса 1–2 млн. сўм²³ни ташкил этди.

Мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминланиши асосида иқтисодиёт тармоқларида ўртача ойлик миқдори ўзгармоқда. Хусусан, 2010 йилда иқтисодиёт тармоқларида ўртача ойлик миқдори 504797 сўмни ташкил этган ҳолда, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3008004 сўмга етди. Хусусан, 2020 йилда аҳоли жон бошига йилига 11728,8 минг сўм даромадни 12 ойга бўлинса 977,0 минг сўмни ёки Марказий банк томонидан АҚШ долларига белгиланган курс билан аниқланса 97 доллар атрофида бўлади. Бу миқдор аҳоли истеъмол харажатларини қисман қоплайди, бироқ жамғарма қилишга имкон бермайди. Инфляция даражаси йилига 12-15 фоиз бўлган шароитда аҳолини жон бошига умумий даромадларининг харид қобилияти пасайиб боришига салбий таъсир қилиб мамлакатда камбағал аҳоли сони кўпайиши сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни даромадлар манбаини юзага келтиришдаги ўрни ўзгарди. Бойси, биринчидан, хусусий сектордаги иқтисодий фаолият бозор қоидаларига биноан юз бериб, табиий равишда бозор даромадининг маълум турини юзага чиқаради. Иккинчидан, хусусий ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, талабга тез мослашиш ва ихтисослашиш орқали даромад топиш механизми амал қилади.

Иқтисодиёт турли тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бўлган бошланғич маблағлар миқдори бир хил эмас. Маблағлар тез айланадиган йўналишларда (чакана савдо, умумий овқатланиш, маиший жиҳозларни таъмирлаш ва шу кабилар) бошланғич капитал озроқ миқдорда талаб этилади. Технологик мураккаб, хусусан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилишида етарли билимга эга бўлган тадбиркорга аксарият ҳолатларда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан кам бўлмаган маблағни асосий капитални шакллантиришга йўналтириш лозим бўлади. Давлат томонидан шу маблағнинг ярми миқдорида субсидия берилиши ўз ишини бошлашга киришаётган тадбиркорлар сонини кескин оширади. Айни пайтда тадбиркорнинг иқтисодий масъулияти пасаймайди ва фирибгарлик билан боғлиқ рискларга йўл қўйилмайди.

Тадқиқотчи фикрига кўра, мамлакатда ишсиз, камбағал бўлсада тадбиркорлик фаолиятига қизиққан аҳоли қатлами кўпчилиكنи ташкил қилмоқда. Уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун асбоб-ускуна, дастгоҳ, тикув машиналарини харид қилишлари учун ўз маблағлари шаклланмаган. Бунинг ечими сифатида давлат томонидан базавий ҳисоблаш

²³ Давлат бюджети даромад қисмининг дастлабки натижалари. 2021 йил 1 ярим йиллик. — Т: 2021 йил, июль. Молия вазирлиги. Солиқ-божхона сиёсати ва даромадларини прогнослаштириш департаменти ҳисоботи.

миқдорининг 25 бараваригача субсидия бериш зарур. Натижада ишсизлик қисқартириб, камбағал оилалар ўз даромад манбаига эга бўладилар. Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши аҳоли даромадларини янада ортишига шароит яратади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумий даромадлари вилоятлар кесимида бир-биридан фарқланади. Таҳлиллар кўрсатишича, 2000-2021 йилларда вилоятлар кесимида аҳоли жон бошига реал даромадларининг паст кўрсаткичи республика даражасидан куйи даражада бўлган ҳудудларга Фарғона, Қорақалпоғистон республикаси, Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келди. Республикада 2021 йили аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача умумий даромадлар 13,4 млн. сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўртача ҳар ойига бир нафар ишловчи 1 млн. 190 минг сўмдан даромад олганлигини билдиради. Аҳоли жон бошига йилига ўртача даромадлар бўйича Тошкент шаҳри 27,0 млн. сўм, Навоий 22,4 млн. сўм, Бухоро 16,4 млн. сўм, Хоразм 14,2 млн. сўм ва Тошкент вилояти 14,6 млн. сўмни ташкил қилган ҳолда республика ўртача даражасидан юқоридир.

Аҳолининг даромадлар бўйича табақаланиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига ва ижтимоий сиёсатига боғлиқ бўлади. Мамлакатда ижтимоий ва даромадлардаги табақаланиши аҳолини камбағал, ўртаҳол ва бой қатламларга ажралишига олиб келади. Мамлакатда 2017 йилга қадар ўрта мулкдорлар синфини ривожлантириш ижтимоий сиёсатда муҳим ўрин тутган ҳолда, кейинги йилларда табақаланиш ортмоқда. Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий табақаланишини тавсифлаш учун аҳолининг ўртача жон бошига тўғри келувчи пул даромадлари бўйича гуруҳланиши, аҳоли жами пул даромадлари ҳажмининг децил ва квинтил, фондлар ва Джини коэффиценти каби кўрсаткичлардан фойдаланилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадларини аҳолининг 20 фоизли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши²⁴. (уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан % ҳисобида)

Квинтел гуруҳлари	2017 йил	2018 йил	2019 й	2020 йил	2021 йил
I	9,3	9,3	9,1	8,5	8,4
II	13,6	13,6	13,6	13,3	13,4
III	17,3	17,2	17,4	17,2	17,5
IV	21,8	22,0	22,6	22,6	23,0
V	37,9	37,8	37,3	38,4	37,6
Квинтел коэффиценти	4,1	4,1	4,1	4,5	4,5

Уй хўжаликларини танлама кузатувлари маълумотлари асосида тузилган жадвал маълумотлари кўрсатишича, мамлакатда 1-квинтель – ўта камбағалларнинг жами даромадлардаги улуши 2017 йилда 9,3 фоизни 2021 йилда 8,4 фоизни ташкил қилиб камайиб бораётганлиги кузатилади. IV — квинтель бўйича бой қатламнинг жами даромадлардаги улуши 2017 йилда 21,8 фоизни 2021 йилда 23,0 фоизни ташкил қилиб, 1,2 фоизга ортган. Аҳоли

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг йиллик ҳисоботлари. Т: 2021 й.

даромадларининг табақаланишини ифодаловчи квинтел коэффиценти кўрсаткичи 2017-2021 йилларда 4,1 баравардан, коронавирус пандемияси шароитида 4,5 бараваргача ортган²⁵.

Ўзбекистонда 1994 йил аҳолининг камбағаллик чегараси 44,5 фоиз, 2001 йил 27,5 фоиз, 2015 йил 12,8 фоиз, 2020 йил 11,5 фоизни ташкил қилди. 2021 йилда минимал истеъмол харажатларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланса камбағаллик даражаси 17,0 фоизни ташкил қилди. Бунга сабаб Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544- сонли қарорига асосан камбағаллик, аҳоли даромадларини минимал истеъмол харажатлари миқдорига нисбатан қиёсий таққослаш орқали ҳисоблаш жорий этилганлигидир. Тадқиқотда камбағаллик уч гуруҳга ажратилган: а) оддий камбағаллар; б) ўта камбағаллар; в) қашшоқлар. Айни вақтда камбағаллик даражаси Сирдарё, Тошкент, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида юқори ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда кам таъминланган аҳолининг ҳудудлар бўйича

тақсимланиши (уй хўжаликлари танлама кузатувлари маълумотларига асосан фоиз ҳисобида)²⁶.

Ҳудудлар	2005	2010	2015	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси бўйича	25,8	17,7	12,8	11,5	17,0
Қорақалпоғистон Республикаси	44,0	34,3	28,3	14,6	20,8
Вилоятлар:					
Андижон	23,1	16,3	9,3	12,0	19,3
Бухоро	20,8	14,4	10,1	8,6	14,5
Жиззах	29,6	22,6	15,4	13,0	21,1
Қашқадарё	41,0	28,9	23,2	13,6	17,9
Навоий	26,3	19,6	13,9	7,9	4,7
Наманган	33,4	23,1	15,2	15,3	14,1
Самарқанд	23,9	14,9	10,2	10,6	18,2
Сурхондарё	34,6	25,2	20,0	14,7	13,2
Сирдарё	32,6	23,6	17,7	12,3	30,5
Тошкент	20,4	12,5	7,9	9,1	22,5
Фарғона	15,8	10,2	7,8	14,5	3,9
Хоразм	31,0	20,6	14,3	13,0	19,9
Тошкент шаҳри	6,7	2,6	0,9	2,6	8,1

Камбағаллик даражасини ҳудудлар бўйича таҳлил этилганда шаҳар ва қишлоқ аҳоли масканлари ўртасида ҳам фарқ мавжуд (3-жадвал). Асосий иш ўринлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари шаҳар жойларида тўпланган бўлиб, қулай инфраструктурага эга. Қишлоқ жойларида аҳолининг ишсизлик

²⁵Вахабов А. Янги Ўзбекистон шароитида аҳоли даромадларини табақаланишини тартибга солиш йўналишлари. “Учинчи ренессанс шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Т:2022 й, - Б. 49.

²⁶2021 йил маълумоти Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544- сонли қарорига асосан камбағаллик, аҳоли даромадларини минимал истеъмол харажатлари миқдорига нисбатан солиштириш орқали ҳисобланган. Вилоятлар кесимида жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига асосан. Эслатма: Жаҳон банки тавсиясига кўра кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи 2020 йилгача кунлик 2100 ккал. дан келиб чиқиб ҳисобланган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>

даражаси юқори бўлиб, бандлик мавсумий характерга эга. Қишлоқ жойларида меҳнат ресурслари бўлган ёшларни, жумладан эркаклар қўшни давлатларга (Қозоғистон, Россия ва х.к.) бориб ишлашлари, даромад топишлари барқарор ва кафолатланган эмас.

3-жадвал.

Ўзбекистонда камбағалларни шаҳар ва қишлоқ жойлари бўйича тақсимланиши²⁷ (фоиз ҳисобида)

Худудлар	2014	2015	2017	2018	2020	2021	Фарқи % ҳисобида
Шаҳар	9,8	9,5	8,7	8,4	8,3	11,6	103,3
Қишлоқ	16,6	15,9	14,8	14,3	14,1	22,4	135,0
Жаъми	13,3	12,8	11,9	11,4	11,5	17,0	128,0

Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги камбағаллик даражасидаги тафовутни қисқартиришга қаратилган дастурлар тайёрланиб амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакат қишлоқ аҳолисида жон бошига тўғри келувчи пул даромадлари қишлоқ жойларида шаҳарларга нисбатан деярли 2 барабар кам. Шунингдек, қишлоқларда саноат кам ривожланган бўлиб, қариялар, ногиронлар, ишсизлар кўпчиликти ташкил қилади. Бундан ташқари қишлоқ жойларидаги ишсизлик муаммоси қисман хусусий уй шароитида иш билан таъминланади, аммо қишлоқ уй хўжаликларининг мавжудлиги нисбатан паст пул даромадларини қоплай олмайди ва шу сабабли қишлоқда камбағаллик муаммосини ҳал қила олмайди²⁸.

Тадқиқотчи томонидан камбағал, ёрдамга мухтож «Темир дафтар» га киритилган фуқаролар ҳаётидаги ўзгаришлар қандай бўлаётганлигини Наманган вилоятида сўровнома ўтказиш орқали ўрганилган. Сўровнома натижалари асосида камбағалликни келиб чиқиш сабаблари гуруҳларга ажратилган 4-жадвал. Респондентлардан «Кейинги йилларда мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиш бошланди. Ҳаётимизда қувонарли ўзгаришлар бор» деб ҳисоблайсизми? деган саволга, ўзгаришлар бўлганлиги ва айниқса, иш ўрнига эга бўлганлар 40 фоизни ташкил этган. «Фарзандларим хорижга мардикорчиликка бормай, ўзимизда ишлик бўлди» деб жавоб берганлар 37 фоизни ташкил қилганлиги кейинги йилларда сўровнома олиб борилган худудларда янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги ислохотлар ўз самарасини бера бошлаганлигидан дарак беради. Камбағал оилалар давлат томонидан қатъий назоратга олинганлиги, уларни ижтимоий ҳимояси кун сайин яхшиланаётганлиги – 8 фоиз, уйсиз камбағаллар оилалар уйлик бўлаётганлиги, тадбиркорлик, ўз-ўзини бандлиги таъминланаётганлиги – 12 фоиз, ҳеч қандай ўзгаришлар йўқлиги ёки сезилмаганлигини – 3 фоиз фуқаролар маълум қилганлар.

²⁷Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>

²⁸ Хасанов Р, Усмонов Б. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари. info@reveview.uz/ /2020 й

Аҳоли ўртасида камбағалликни келиб чиқиш сабаблари²⁹
(жами сонига нисбатан фоизда)

№	Номланиши	Жами респон- дентлар	шундан		қишлоқ аҳолиси	Шаҳар аҳолиси	ёши		
			аёллар %	эркаклар %			20-40	40-50	50-60
1.	Ишсизлик	598/57	371/62	227/38	384/64	214/36	268/45	256/43	74/12
2.	Ногиронлик ва касаллик	315/30	183/58	132/42	177/56	138/44	61/19	101/32	153/49
3.	Уй-жой танқислиги	63/6	38/60	25/40	41/65	22/35	45/71	15/24	3/5
4	Оилада боқувчининг йўқлиги	42/4	39/93	3/7	22/52	20/48	6/14	19/45	17/41
5	Даромад манбаига эга бўлмаслик	32/3	21/66	11/34	23/72	9/28	14/44	12/37	7/19

Диссертациянинг «**Миллий иқтисодиётда камбағалликни қисқартириш йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида камбағалликни аниқлашнинг ҳуқуқий институционал асослари ўрганилди. Аҳоли даромадларининг табақаланиши ва меҳнат бозори ривожланишининг аҳоли камбағаллиги даражасига таъсири баҳоланган.

Тадқиқотда камбағаллик даражасини аниқлашга оид қатор ёндашувлар қиёсий таҳлил қилинди. Иқтисодий адабиётда камбағаллик даражасини аниқлашда мутлоқ, иқтисодий, нисбий ва субъектив тушунчалардан фойдаланилган ҳолда унинг мамлакатнинг иқтисодий ўсиш даражасига боғлиқлиги таъкидланади. Агар иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлса камбағалликни қисқартиришнинг иқтисодий имконияти шаклланади. МДҲ мамлакатларида, АҚШ, Италия, Канада ва Туркияда камбағаллик аҳоли даромадлари ёки харажатларини минимал миқдorigа мос келиши асос қилиб олинган бўлсада, амалиётда камбағаллик кўп ўлчамли иқтисодий категория сифатида намоён бўлади. Кўп ўлчамли камбағал: аҳоли учун соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматларнинг мавжудлиги ва сифати (тоза сув, тегишли санитария шароитлари, табиий газ ва электр таъминоти) билан таъминланганликни назарда тутиб, камбағаллик даражасига таъсир этади. Ушбу хизматлар аҳоли турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатади, уларни бирортаси қисқарса ёки эътибор камайтирилса камбағаллик даражаси ҳам ўзгаради.

Европа Иттифоқи давлатларида камбағалликни баҳолашда юқоридаги омилларни ҳисобга олган Алкире-Фостер усулидан фойдаланилади. Ушбу усулда ўзгарувчан омиллар индексини аниқлаш бир неча босқичда амалга оширилади. Дастлаб, мақсадли гуруҳ аниқланади- оила, шахс, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари (ногиронлар, етимлар, ёлғиз қариялар, ишсизлар ва хаказо). Кейинги босқичда ўлчов соҳалари – соғлиқни сақлаш, таълим, турар жой, коммунал хизматларнинг муҳим кўрсаткичлари танланади. Жумладан, тиббий хизмат соҳасини баҳолашда овқатланиш,

²⁹ Муаллиф томонидан ўтказилган сўровнома асосида тайёрланган.

чақалоқлар ўлими, таълим соҳасини баҳолашда мактабда ўқиш муддати, ўқув куроллари билан таъминланганлик, таълим сифати ўрганилади. Мақсадли гуруҳларни танлаб олингандан сўнг, улардан ҳар бир кўрсаткич бўйича сўровнома ўтказилади. Натижаларга кўра, композит индекси 20 фоиздан 30 фоизгача бўлса камбағаллик чегарасида, индекс 30-50 фоизгача бўлса юқори даражадаги камбағаллик, 50 фоиздан ортиқ бўлса юқори даражадаги камбағаллик кузатилади³⁰. Жаҳон амалиётида камбағалликни аниқлашнинг кенг тарқалган икки хил усуллари мавжуд:

1. Монетар усул. Ушбу усулда истеъмолчилар, уй хўжаликларининг маълум муддатда оладиган барча даромадлари ёки ўз эҳтиёжини қондириш учун сарфлайдиган истеъмол харажатлари ҳажми, яъни турмуш даражасини белгилайдиган материал эҳтиёжи билан ўлчанади.

2. Номонетар усул. Ушбу усулда камбағалликни учта индекслар бўйича ўлчаш назарда тутилади. Кўп қатламли камбағаллик (у аҳоли камбағаллигининг қатламлари ва чуқурлигини ўлчайди), моддий депривация (нисбий камбағаллик даражасини ўлчайди) ва ижтимоий узилиб қолишни (бу ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини ўлчайди) назарда тутати.

Тадқиқотда жаҳон банкининг камбағаллик даражасини халқаро миқёсда қиёсий таққослаш имкониятини яратувчи ягона глобал стандарт баҳолаш услуги келтирилган. Жаҳон банки 2015 йилда паст даромадли мамлакатларда киши бошига кунига 1,9 доллар даромад камбағаллик даражасининг энг қуйи чегараси сифатида белгилади. Бундан ташқари, Жаҳон банки томонидан ўрта қуйи ва ўрта юқори даромадли мамлакатларда чегараси мутаносиб равишда 3,2 доллар ва 5,5 доллар этиб белгиланган. Жаҳон банкининг камбағаллик даражасини халқаро миқёсда қиёсий таққослаш имкониятини яратувчи ягона глобал стандарт баҳолаш услуги бир киши учун қуйидагича:

- юқори ўрта даромадли мамлакатларда - 5,50 АҚШ доллари;
- қуйи ўрта даромадли мамлакатлар учун — 3,20 АҚШ доллари;
- паст даромадли мамлакатлар учун - 1,90 АҚШ доллари.


Тадқиқот ишида камбағалликни қисқартириш инструментлари бўлган темир, аёллар ва ёшлар дафтари ўрганилди. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 120 мингдан зиёдини, жумладан фермер хўжаликларининг 4 минг 551 нафарини хотин-қизлар бошқармоқда. Сўнгги ўн йил давомида кичик ва хусусий корхоналарни бошқараётган аёлларни сони 1,6 баробарга ўсди. Уларнинг 40,0 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг раҳбарларидир³¹. Бироқ, аёллар ўртасида ишсизлик, турли ижтимоий муаммолар ортидан юзага келаётган камбағаллик аёлларни қийин шароитларда яшашга, ишлашга мажбур қилмоқда. Халқаро миқёсда таҳлилларга кўра яқин истиқболда

³⁰Каримова Д.М. Методология и критерии оценки бедности: зарубежная и отечественная практика// Ж. Экономика: анализ и прогнозы. – Ташкент: 2021, № 1 (12). – С. 5-11.

³¹Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. Дарслик. — Т: “Фан” нашриёти. 2019. — Б. 275.

аёллар ўртасида камбағаллар улушининг юқорилиги сақланиб қолади (3-расм).

3-расм. Дунё бўйича 2020-2030 йилларда камбағаллар сони³² (млн киши)



Пандемия даврида аёлларни нисбатан кўпроқ ишдан бўшатилиши уларни ишсиз ёки кам даромадли ишларда банд бўлишига олиб келди. Республика бўйича эса 2020 йил 1 март ҳолатига кўра меҳнат биржаларидан рўйхатдан ўтган ишсиз хотин-қизлар 524 минг 241 нафарни ташкил этган. Жумладан, энг юқори кўрсаткич Фарғона (83400), Андижон (78777), Самарқанд (62487), Қашқадарё (59111), Сурхондарё (50995), Бухоро (30210) вилоятларига тўғри келмоқда. Қолган вилоятларда ишсиз хотин-қизлар сони ўртача 25 минг нафарни ташкил қилади. Тошкент шаҳрида 8017 нафар ишсиз хотин-қизлар рўйхатга олинган. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида “Аёллар дафтари” тизими жорий этилди.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан, шунингдек, охириги беш йилда хўжалик амалиётидан кўриниб турибдики, аёллар тадбиркорлиги ривожланмоқда. Аёллар бизнес фаолиятида ташаббускорлик, инновацияларга интилиш, молиявий интизом ва молиявий барқарорлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, аёллар тадбиркорлиги иқтисодий масъулиятни ҳис қилган ҳолда асосий капитални кўпроқ ижара асосида шакллантиришга интилади. Психологик жиҳатдан бу аёлларнинг оила бюджетига нисбатан юқорироқ эҳтиёткорлиги билан боғлиқ. Шунинг учун аёлларга, шунингдек, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаган “Аёллар дафтари”га кирган аёлларга ижара ва асбоб-ускуна харажатларини 50 фоизини давлат томонидан қоплаб берилиши иқтисодий рискларни кескин камайтиради ва аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш кўламларини кескин оширади. Бу эса бир

³² UN Women. From insights to action. Gender equality in the wake of covid-19. Report. 2020. P. 9

томондан ишсиз аёлларнинг иш ўрни ва даромад манбаига эга бўлиши, иккинчидан, оила мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш истиқболлари**» деб номланган тўртинчи бобида ихтисослашган маҳаллалар ташкил этиш орқали аҳоли иқтисодий фаоллигини ошириш, аҳолининг муҳтож қатлами учун ижтимоий реестр жорий этиш ва узоқ муддатли даврда камбағалликни қисқартиришнинг муқобил сценарийлари ишлаб чиқилган.

Мамлакатда маҳаллалар узоқ йиллар ҳунармандчилик маҳсулотлари, кўнчилик, яшиқчилик, асаларичилик, шолчилик ва бошқа маҳсулотларни сифатли, бозорбоп қилиб тайёрлашга мослашиб борган. Шаклланган меҳнат кўникмалари ва тажрибалар авлоддан-авлодга ўтиб, янги усуллар билан бойитилган. Натижада, маҳаллаларда маҳсулот етиштиришнинг замонавий технологияси шаклланган бўлиб, бу технология сир тутилган, яъни тижорат сири сифатида қаралган. Бу билан маҳалла муайян турдаги товар ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашиш орқали яхшигина даромад топган. Маҳаллалар ихтисослашуви оилаларда тадбиркорлик кўникмаларини янада ривожланишига, ишсиз ёшлар, аёлларни бандлигини таъминлашга ёрдам бериб, оилаларни камбағаллик ҳолатига тушиб қолмасликни таъминлайди.

Тадқиқотчи фикрига кўра, маҳаллалардаги асосий муаммо “оғир” маҳаллаларда камбағал оилалар билан олиб борилаётган ишларнинг етарли эмас. Агар “оғир” маҳалла хонадонларида томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, даромадлигини янада ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуна ва хом-ашё билан таъминлашга кўмаклашиш, жумладан маҳсулотни сотиш жараёнига тажрибали тадбиркорларни бириктириш керак бўлади. Амалиётда бу механизм деярли ишга солинмаяпти. Бунинг учун ҳар бир ҳудуддаги “етакчи” тадбиркорлик субъектларига “оғир” маҳаллаларда касаначиликни ривожлантириш ва маҳаллаларни ихтисослаштириш учун уч йилдан беш йилгача, Марказий банк асосий ставкасининг 75 фоизидан ошмаган ва базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 5000 бараваригача миқдорда кредит ажратиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, марказий банк асосий ставкаси даражаси ўз ичига кутилаётган инфляция даражасини, банк учун молиявий рискларни ва банкнинг соф даромадларини таъминловчи маржани ўз ичига олади. Кредит кооперациясида инфляция омили ўз кучини сақлайди. Банк учун молиявий хатарлар кредит кооперацияси учун хос эмас. Чунки кооперация ўз аъзоларига кредит беради. Кредит кооперацияси қўшимча даромад олиш учун эмас, балки ўз аъзоларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун иш олиб боради. Шунинг учун бу ерда кредит фоизи марказий банк асосий ставкасининг 75 фоизидан ошмаган ҳолда ҳам кредит кооперацияси зарарга ишламайди. “Етакчи” тадбиркорлик субъектларини маҳаллаларда рағбатлантирилиши уларни касаначиликни ривожлантириш ва маҳаллаларни ихтисослаштириш орқали янги иш ўринларини яратишга ундаши, ишсизлар

бандлигини таъминлаши зарур. Бу эса “оғир” маҳаллалар ва улардаги камбағал оилалар сони қисқаришига олиб келади.

“Оғир” маҳаллалардаги камбағал аҳоли қатламига бўладиган ёндашувлар тоифаларига қараб бир хил бўлмаслиги керак. Аввало, маҳалладаги 1-тоифа: доимий камбағаллар (якка-ёлғиз айрим пенционерлар, қаровчиси йўқлар, ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчиси йўқотган ёки кўп болали оилалар)нинг аниқ ҳисобини юритиб, уларга давлат томонидан узлуксиз моддий кўмак бериш зарур. Боиси ушбу тоифага кирувчилар ўз даромадларини кўпайтириш имкониятига эга эмаслар. Шу боисдан уларга тиббий хизмат ва олий таълим бепул бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маҳалладаги 2-тоифа: ишсизлар, ўз иқтисодий фаолиятини молиявий етишмовчилик сабаб йўлга қўя олмаган балоғат ёшидаги ёшлар, аёллардан иборат. Ушбу тоифага кирувчиларни янги касбга қайта тайёрлаш, аёллар ва ёшларда қизиқишларига қараб тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва молиявий кўмак бериб бизнесга йўналтириш.

Маҳалладаги 3-тоифа: камбағалликка юз тутиш хавфи бўлган кам даромадли фаррошлар, қаровуллар, оддий ишчилар, касби замон талабларига жавоб бермайдиганлар, ишдан бўшаб ишсиз қолганлар, фаровонликка интилмайдиган шахслар. Улар камбағал тоифага тушиб қолмасликлари учун ўз фаолият соҳаларини ўзгартиришлари, қўшимча даромад олишга ундаш ва томорқадан хўжалиги имкониятларидан фойдаланишни кенгайтиришлари керак бўлади.

Таҳлилларга кўра, “оғир” маҳаллалар сони Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида бошқа вилоятларни нисбатан бирмунча кўп. Ҳар бир маҳаллада камбағалликни қисқартиришда мавжуд бўш иш ўринларига биринчи навбатда «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га кирган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш; бешинчидан, доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ҳамда оилаларнинг моддий-ижтимоий ҳолати тўғрисидаги зарур бўлган маълумотларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот дастурига узлуксиз киритиш зарур.

Тадқиқотда кам таъминланган аҳоли улушининг ўзгариши – (КТА) омилига аҳоли жон бошига ялпи ички(ҳудудий) маҳсулот ҳажми – $JBYIM(r_{KTA, JBYIM} = 0,63911)$, аҳоли жон бошига умумий даромад – $JBUD(r_{KTA, JBUD} = 0,65721)$ омиллари ўртача зичликда ва битирувчиларни олий таълимга қамрови даражаси – $OTQ(r_{KTA, OTQ} = 0,853102)$ кучли зичликда боғланганлиги аниқланди. Аммо, мамлакатдаги аҳоли сони – $AS(r_{KTA, AS} = 0,96625)$ омили натижавий омилга нисбатан тескари кучли зичликда боғланган бўлиб, бу ўз навбатида олинган статистик маълумотларга асосланадиган бўлсак, аҳоли сонини мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, кам таъминланганларнинг аҳолининг умумий сонидagi улушининг ортишига олиб келади. Корреляцион боғланишнинг қўйилган

$r_{x1,x2} < 0,8$ шартига кўра, омиллар ўртасида мультиколениарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни EViews дастури орқали давом эттирилган. Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, жадвалда келтирилган коэффицентлардан фойдаланган ҳолда қуйидаги логорифмик чизиқли тенгламага эга бўламиз:

$$\ln KTA = 8,55 \ln AS - 1,9 \ln JBYIM - 0,4 \ln JBUD - 1,67 \ln OTQ - 0,02 \quad (1)$$

Аниқланган 1-регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак, $\alpha=0,05$ ва $df=15$ бўлган ҳолда $t_{\text{жад}}=2.131$ га тенглигидан фақатгина мамлакатдаги аҳоли сони – AS ($t_{AS}=3.8593 > t_{\text{жад}}=2.131$) аҳамиятли бўлиб, қолган параметрларнинг ҳақиқатда аҳамиятли ёки аҳамиятсизлигини ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлоқ фоиз хатоси) ва TIC (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) билан текширилди. Келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки, $MAPE=1,179$ бўлиб, бу ўз навбатида $MAPE=1,179 < 10\%$ ва $TIC=0,0076 < 1$ бўлганлигидан прогноз аниқлиги юқори бўлиб, коэффицент шунчалик нолга интилишидан 1-регрессия тенгламасининг барча параметрларининг аҳамиятлилиги келиб чиқади. Иқтисодий таҳлилнинг ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришиш учун юқорида ҳосил қилинган 1-регрессия тенгламасини потенциялаб олинади ва унга кўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$KTA = \frac{AS^{8,55}}{JBYIM^{1,9} \cdot JBUD^{0,4} \cdot OTQ^{1,67} \cdot e^{0,02}} \quad (1^*)$$

Аниқланган (1*)-модель бўйича ҳозирги кунда аҳоли жон бошига ялпи ички(худудий) маҳсулот ҳажми ва аҳоли жон бошига умумий даромадни минг сўмга оширилса, мамлакатда кам таъминланган аҳоли улуши мос равишда 0,1 фоиз ва 0.04 фоизга камаяди. Мамлакатда камбағал аҳоли улушининг кўп омилли прогноз кўрсаткичларига кўра битирувчиларни олий таълимга қамровини кўтарилиши, камбағаллик кўрсаткичига тесқари мутаносибликка эга бўлади.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил этган ҳолда қуйидаги хулосалар олинди ва илмий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Камбағаллик деганда бозор иқтисодиёти шароитида ўзгарувчан даромадлар тенгсизлиги ва бошқа ижтимоий, иқтисодий, тиббий, экологик ва демографик жараёнлар билан боғланган муносабатларнинг маҳсули бўлиб, инсонларнинг минимал истеъмоли учун ҳаётий зарур неъматларнинг етарли бўлмаслиги тушунилади.

2. Мамлакатда камбағалликни вужудга келишини турли сабаблари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин: 1.

Иқтисодий, яъни ишсизлик, даромадларни нотекис тақсимланиши. 2. Ижтимоий-тиббӣй, яъни ногиронлик, қарилик ва касалликнинг оғир даражаси. 3. Демографик - тўлиқ бўлмаган оилалар, аҳолининг кўпайиши ва боқувчисини йўқотганлар. 4. Таълим малакаси, таълимнинг паст даражаси, касбӣй тайёргарликнинг етарли эмаслиги. 5. Сиёсий, яъни давлатлараро сиёсий келишмовчиликлар, ҳарбӣй зиддиятлар, мажбурий миграция. 6. Минтақавӣй-географик, яъни мамлакат ҳудудларининг нотекис ривожланганлиги. 7. Динӣй-фалсафӣй-психологик.

3. Аҳоли камбағаллигини қисқартиришдаги муҳим вазифалардан бири мамлакатимизда минтақавӣй камбағалликни қисқартириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва тегишли меъёрларни белгилаш ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этишда аҳолининг қуйидаги тоифаларига эътибор бериш керак: Биринчиси, доимӣй камбағаллар, яққа ёлғиз яшовчи, боқувчиси йўқ пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кўп фарзандли оилалар. Иккинчиси, иқтисодӣй шароит ва имконият яратилса камбағаллик ҳолатидан чиқиши мумкин бўлган ёшлар, аёллар ва ишсизлар. Учинчиси, камбағаллик ҳолатига тушиш эҳтимоли юқори бўлган кам даромадга эга бўлган оддий ишчилар ва вақтинча ишсизлардир.

4. Мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал умумӣй даромадлар миқдори вилоятлар кесимида бир-биридан фарқ қилади. Бунинг сабаби, биринчидан, мамлакат бўйича ҳудудларни ижтимоӣй меҳнат тақсимотида ишлаб чиқаришга ихтисослашуvidан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлашувини турлича эканлиги, табиат инъом этган бойликларни бир текисда жойлашмаганлиги, тақсимланмаганлиги; иккинчидан узок йиллар мобайнида шаклланган меҳнат кўникмалари ва касб-ҳунаридаги фарқлардан келиб чиқади. Аҳоли даромадлари миқдорининг пастлиги уларни етарлича маҳсулотлар истеъмол қилмаслигига, замонавӣй тиббӣй хизматлардан фойдалана олмаслигига сабаб бўлмоқда.

5. Камбағалликни қисқартиришда ижтимоӣй тадбиркорлик фаолияти муҳим ўрин тутаети. Ижтимоӣй тадбиркорлик ижтимоӣй фойдалиликни мақсад қилиб олган ҳолда корхонанинг ишига асосан ижтимоӣй жиҳатдан берқарор бўлган ёки ногиронлиги бўлган шахслар жалб этиладиган фаолиятдир. ижтимоӣй тадбиркорлик қулай иқтисодӣй ресурслардан, ижтимоӣй мақсадга эришиш бўйича новаторлик ғояларини ўзгартириш ва кам таъминланган оилалар фаровонлигини таъминлаб камбағалларни қисқартириш имконини беради.

6. Хориж мамлакатларида камбағаллик муаммосини ўрганиш шуни кўрсатадики, камбағаллик барча давлатларда мавжуд бўлган табиӣй жараёндир. Бир мамлакатнинг камбағалликни қисқартириш услубини иккинчи мамлакатга тўлиқ кўчириб олиб келиш ва фойдаланиш ижобӣй самара бермайди. Боиси иқтисодӣй ривожланишдаги тафовутлар, турлича ижтисодӣй-иқтисодӣй тизимларни мавжудлиги, урф-одат, миллий анъаналар ва меҳнат кўникмалари хилма-хил бўлиб, бир-биридан фарқ қилади.

7.«Маҳаллалар ихтисослашуви» оилаларда тадбиркорлик кўникмаларини янада ривожланишига, ишсиз ёшлар, аёлларни бандлигини таъминлашга ёрдам бериб, оилаларни камбағаллик ҳолатига тушиб қолмасликни таъминлайди. Шаклланган меҳнат кўникмалари ва тажрибалар авлоддан-авлодга ўтиб сайқалланган, янги усуллар билан бойитилган. Бу йўналиш – маҳаллаларни товар ва хизматларга ихтисослашуви билан белгиланади

8. Мамлакатда камбағал аҳоли улушининг кўп омилли прогноз кўрсаткичларига кўра битирувчиларни олий таълимга қамровини кўтарилиши, камбағаллик кўрсаткичига тескари мутаносибликка эга бўлмоқда. Аниқланган модель прогнози бўйича ҳозирги кунда инсон капиталига инвестицияни ошириш, аҳоли даромадларини ошириш, ишсизликни қисқартириш мамлакатда кам таъминланган аҳоли улушини камайишига олиб келади.

Мамлакатда камбағалликни қисқартириш учун қуйидаги масалаларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, бўш иш ўринлари тўғрисида аниқ маълумотлар базасини шакллантириш ва тўлдириб бориш, ҳудудларда ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш;

- мамлакат миқёсида, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда истеъмол саватчаси белгилаш ҳамда «темир дафтар»га киритилган, маҳаллалардаги ишсизларни, жумладан аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ўз ҳоҳиш истакларидан келиб чиқиши ва оилада узоқ йиллар шаклланган меҳнат фаолияти доирасида бўлиши зарур;

- камбағал оилаларни ўз-ўзини бандлигини таъминлашга қаратилган имтиёзли кредитлар, парранда ва қорамолларни мажбурий тарзда тарқатиш амалиётида ўзини оқламайди. Кузатишларга кўра, аксарият имтиёзли кредитлар ўзига тўқ оилалар томонидан кам таъминланган фуқаролар номига расмийлаштириб олган бўлсалар, айрим фуқаролар олган кредитларини мақсадсиз ўз ички эҳтиёжларига сарфлаб юбордилар ва олдинги ҳолатга қайтдилар. Мажбуран парранда ва қорамол бериш эса камбағал оилаларни янада қарз ботқоғига етакламоқда.;

- аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ишсизлик даражасини пасайтириш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Жумладан, қишлоқ жойларида ишга жойлашиш имкониятини яратувчи, тегишли давлат органлари билан бир қаторда, фуқароларнинг масъулиятини оширувчи, ҳар бир инсоннинг шахсий шароитини ҳисобга олувчи, фаол ва таъсирчан сиёсат юритиш зарур, ушбу мақсадларга жамият ва хусусий сектор ресурсларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этади;

- фуқароларнинг оилавий бюджети даромадларини оширишнинг самарали шаклларида бири сифатида касаначилик меҳнатини ривожлантириш керак. Бунда замонавий машиналар, ускуналар, хомашё ва

материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, касаначилик маҳсулотини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида буюртмачиларни топишга, тадбиркорлар билан ўзаро кооперациясини кенгайтиришга кўмаклашиш зарур бўлади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ

LIST OF PUBLISHED WORKS

бўлим (I часть; I part)

1. Ғаниев М.Х. Инновацион иқтисодиётни шаклланиши шароитида аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағаллик қисқартириш йўналишлари. (монография). – Наманган: Usmon Nosir media, 2022.– 321 б.
2. Ғаниев М.Х. Ўзбекистонда камбағаллик муаммоси ва уни камайтириш йўллари. (монография). – Наманган: Arjumand media, 2020.– 179 б.
3. Ғаниев М.Х. Пандемия шароитида аҳоли даромадларининг нотекислиги ҳамда ўзгариши омиллари. // Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси. – Урганч: 2021. №8. – б.131-134 (08.00.01; №21)
4. Ғаниев М.Х. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни камайтиришда Германия тажрибаси ва ундан фойдаланиш. // Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси. – Урганч: 2021. №11. – б. 188-191 (08.00.01; №21)
5. Ғаниев М.Х. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда “Маҳаллабай” ишлаш тизими ва унинг асосий хусусиятлари. // Biznes-Эксперт. – Тошкент: 2021, №11-12. – б. 32-35 (08.00.01; №3)
6. Ғаниев М.Х. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартиришда “Маҳаллабай” ишлаш тизими. // Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси. – Урганч: 2021, №11. – б.191-195 (08.00.01; №21)
7. Ғаниев М.Х. Аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш муаммолари. // СЕРВИС. – Самарқанд: 2021. №48. – б.15-19 (08.00.01; №20)
8. Ғаниев М.Х. Аҳоли даромадларининг нотекислиги ва асосий хусусиятлари. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент: 2021. №4. – б.63-68 (08.00.01; №28).
9. Ғаниев М.Х. Камбағалликни камайтиришда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш. // Хоразм Маъмун академияси Ахборотномаси. – Урганч: 2022, №1. – б. 79-83 (08.00.01; №21)
10. Ғаниев М.Х. Пандемия шароитида аҳоли даромадлари ва камбағалликни қисқартириш имкониятлари. // Наманган муҳандислик-технология институти илмий-техника журнаלי. – Наманган: 2021, Махсус

сон 1. – б. 523-533 (08.00.01; ОАК Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/6-сон қарори).

11. Ganiev M.X. Poverty reduction and labor market problems in the context of a pandemic. // Наманган муҳандислик-технология институти илмий-техника журнали. – Наманган: 2022, № 7. – б. 260-267 (08.00.01; ОАК Раёсатининг 2021 йил 31 мартдаги 295/6-сон қарори)

12. Ғаниев М.Х. Ўзбекистонда пандемиядан кейинги даврда аҳоли фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришнинг асосий йўналишлари. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент: 2022. №4. – б.187-195 (08.00.01; №28).

13. Ganiev M.X. Income of the population and directions of poverty reduction in Uzbekistan. // Экономика и предпринимательство. – РФ, г. Москва. 2022, №5 – С. 693-699. (08.00.01; №29)

14. Ganiev M.X. Problems of employment and poverty reduction in a pandemic // Экономика и предпринимательство. – РФ, г. Москва. 2022, №6 – С. 59-63. (08.00.01; №29)

15. Ganiev M.X., Increasing the income of the population is an opportunity to reduce poverty. Journal of Management Value & Ethics. (https://www.jmveindia.com/journal/October_special_issue_22_Vol_11_No_04_-converted.pdf) – Ҳиндистон: 2021. №4– pp. 15-20. (08.00.00; №6. Осиё мамлакатлари нашрлари)

16. Ғаниев М.Х. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш. // Барқарор рақобатбардош туристик ҳудудларни шакллантиришнинг устувор йўналишлари: инновацион бошқарув, хориж тажрибаси ва ривожланиш стратегиялари мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари тўплами. – Бухоро: 2018. – Б.231-235.

17. Ғаниев М.Х. Камбағалликни камайтиришда хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. // Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фан ва таълим интеграцияси, инновацион технологияларни тадбиқ этишда халқаро фермерларнинг роли мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжумани материаллари тўплами. – Наманган: 2021. – Б.89-96.

18. Ғаниев М.Х. Совершенствование социально-экономической политики государства в области сокращения бедности. // Материалы Международной научно-практической конференции «XII Ломоносовские чтения», посвящённой Дню таджикской науки и 30-летию установления дипломатических отношений между Республикой Таджикистан и Российской Федерацией (29-30 апреля 2022). – Душанбе: 2022. – С.242-245.

19. Ғаниев М.Х. Ўзбекистонда камбағаллик муаммоси ва унинг илмий тадқиқ этилиши. // Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда инновацион технологиялар ва жиҳозлар мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Наманган: 2020. – Б.155-161.

20. Ganiev M. The introduction of the iron book, women and youth books as an important aspect of the fight against poverty. // Актуальные вопросы

современной науки и образования. Сборник статей XII международной научно-практической конференции. – Пенза: 2021. – С. 59-61.

21. Ғаниев М.Х. Классик ва ижтимоий тадбиркорликнинг кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ўрни // Янги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб масалалари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Наманган. 2022. – б. 236-241.

22. Ғаниев М.Х. Камбағаллик муаммоси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. // Иқтисодий ўзгаришларнинг минтақавий муаммолари ва ривожланиш истиқболлари: республика илмий-назарий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент: 2021. – Б. 3-6.

II бўлим (II часть; II part)

23. Ғаниев М.Х. Камбағаллик муаммосининг моҳияти, омиллари ва қисқартириш йўллари. (монография). – Наманган: Usmon Nosir media, 2021.– 264. б.

24. Ganiev M.H., Shamshidinov I. The issues of poverty and the Ways of Reducing It in Uzbekistan. LAP Lambert Academic Publishing, 17 Meldrum Street, Beau Bassin 71504, Mauritius, (монография). – Latvia. 2021.- pp. 156.

25. Ғаниев М.Х., Соҳадуллаев Қ. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни камайтиришда хориж тажрибаси. (монография). – Наманган: Usmon Nosir media, 2022.– 129 б.

26. G'aniev M.X., Tursunov N.N., Abdukarimov T. Mahallabay system and its main features in poverty reduction in Uzbekistan. Journal NVEO. – Туркия: 2021. №4. <https://www.nveo.org/index.php/journal/article/view/3022>)

27. Ғаниев М.Х. Возможности для экономического роста в сельскохозяйственном секторе и обеспечения продовольственном безопасности. // EGONOMICS. – Иванова: 2017. №3 (24). – б.14-17

28. Алимова Г., Ғаниев М. Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш механизмларини такомиллаштириш. // Барқарор иқтисодий ривожланиш бўйича стратегик ташаббуслар ва амалий тавсиялар: салоҳият ва хатарлар. Ўзбекистон иқтисодчилари XIII Форуми мақолалари тўплами. – Тошкент: 2021. Махсус сон. №4 (14) – Б. 66-71.

29. Ғаниев М.Х., Самижонов М. Ўзбекистон меҳнат бозорининг тармоқ ва ҳудудий хусусиятлари. // Ж. Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. – Наманган: 2018. №5. – б.141-147.